

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ердан энг аввал кўтариладиган нарса хушуъдир», дедилар».

Табароний ривоят қилган.

Хушуъ илм бўлиши билан бирга, нажот топувчиларнинг аломати ҳамдир.

Аллоҳ таоло Муъминун сурасида марҳамат қилади:

﴿۲﴾ خَشِعُونَ صَلَاتِهِمْ فِي هُمْ الَّذِينَ ﴿۱﴾ الْمُؤْمِنُونَ أَفْلَحَ قَدَّ

«Батаҳқиқ, мўминлар зафар топдилар. Улар намозларида хушуъ қилувчилардир» (1-2-оятлар).

Маълумки, хушуъ қалбга оид амалдир. Хушуъли қалб тузук, хушуъсиз қалб бузуқдир. Қалбнинг бузуқлиги ва тузуклигига қараб инсоннинг ўзининг бузуқ ёки тузуклиги белгиланади.

دَسَّجَلِي فَنِّوَالِأُ «لَأَقِي بِنِّوَالِ عَ ، أَهْنَعُ لَلِ يَضَرِّسُ وَأَرِي شَبَّ نَبِّ نَامُ عُنِّ لَلِ عَن
يَوَالِ أُهُ لُكُ دَسَّجَلِ دَسَّ فِ إِوِ ، هُ لُكُ دَسَّجَلِ حَلِّصْ حَلِّصْ إِذِ ، عَغْضُ م
دَسَّ مَخْلُ أَوِ . «بَلِّقُلِ

Нўъмон ибн Башир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Огоҳ бўлингким! Албатта, жасадда бир парча гўшт бордир. Қачон у солиҳ бўлса, жасаднинг ҳаммаси солиҳ бўлур. Қачон у бузуқ бўлса, жасаднинг ҳаммаси бузуқ бўлур. Огоҳ бўлингким! Ўша нарса қалбдир», дедилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

هَلِّوَالِ لُوسَرُّتْ عَمَّسِ يِّنْ أَدَشَّأُ : لَأَقِي أَهْنَعُ لَلِ يَضَرِّسُ وَأَرِي شَبَّ نَبِّ نَامُ عُنِّ لَلِ عَن
نُّهَالِصَو ، نُهُءُضُّو نَسَّحْ أَم ، لَجَّوَزَّعُ هَلِّوَالِ نُهُضَّرَّتْ فِ إِتْ أَوَّلِصْ سُمَّخْ « : لُوقِي
لَعْفِي مَمِّ نَمَو ، هَلِّ رَفَّعِي نَأْ دَعَّ هَلِّوَالِ لَلِ يَضَرِّسُ وَأَرِي شَبَّ نَبِّ نَامُ عُنِّ لَلِ عَن
يَأْسَنِّ لَوِ دَوَادُ وَبَأْ هَوِ . «دَعَّ عَءَءَ نِ إِوِ هَلِّ رَفَّعَءَءَ نِ إِوِ دَعَّ هَلِّوَالِ لَلِ يَضَرِّسُ وَأَرِي شَبَّ نَبِّ نَامُ عُنِّ لَلِ عَن

Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Гувоҳлик бераманки, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитганман: «Аллоҳ азза ва жалла беш вақт намозни фарз қилди. Ким таҳоратни яхшилаб олса ва уларни ўз вақтида ўқиса, рукуъ ва хушуъни батамом қилса, Аллоҳнинг зиммасида уни мағфират

Табиблар: «Бунинг учун сизга банж беришимиз керак», дейишди.

У киши: «Банж ҳаром, уни истеъмол қилмайман», деди.

Табиблар: «Ундай бўлса, оёқни кесиб ташлашнинг иложи йўқ», дейишди.

Урва ибн Зубайр розияллоҳу анҳу: «Иложи бор. Сиз асбобларингизни тайёрланг. Мен намоз ўқийман. Бир маромга етиб, баданим титрай бошлаганида билганингизни қилаверинг, ҳеч нарса бўлмайди», деди.

Кейин у киши намозга турди. Бадани титрай бошлади. Табиблар ўша даврнинг услуби ила қорасон тушган оёқни сонидан кесишди. Сўнгра кесилган сонни қайнаб турган ёққа солиб, оқаётган қонни тўхтатганларида Урва розияллоҳу анҳу намозни тугатиб, ҳушидан кетди.

«Руҳий тарбия» китобидан